

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Янгиургон тұман Ободонлаштириш
бошкармаси бошлығы



Б.Сотиволдиев

**Техник топширик
БҮЮРТМАЧИ**

| № | Маълумотлар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар |
|---|-----------------------------|--|
| 1 | Махсулот номи | Янгиқўргон тумани Бўстон МФЙ жойлашган Гулистон кўчасини таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш |
| 2 | Буюртмачи | Янгиқўргон туман ободонлаштириш бошкармаси |
| 3 | Бажарувчи | Танловдан сўнг аниқланади |
| 4 | Объект жойлашган манзил | Янгиқўргон тумани Бўстон мфй |
| 5 | Иш бошланиши ва тугалланиши | 2022 йил июл – 2022 йил декабрь |
| 6 | Маблаг манзили | Бюджет |
| 7 | Алоҳида талаблар | <p>1 Корхона тугрисида тулик маълумот.</p> <p>2. Корхонани молиявий ахволи</p> <p>3. Давлат солик инспекциясидан карздорлик йуклиги тугрисида маълумот</p> <p>3 Корхонанинг 3 йиллик фаолияти тугрисида батафсил маълумот.</p> <p>4. Техникалар тугрисида маълумот.</p> <p>5. Корхонанинг ишчи ходимлар буйича маълумот тақдим этилади, корхона таъсисчи ва раҳбарининг шахсий ИННси ва шахсий паспорт нухсаси</p> |
| 8 | Тўловлар шарти | Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва Ф-2, Ф-3 счёт фактура асосида |

«ТАСДИКЛАЙМАН»
Янгиқўрғон туман
Ободонлаштириш бошкармаси

 Б.Сотиволдиев

« » 2022й

БУЮРТМАЧИ:

“Янгиқўрғон туман Ободонлаштириш бошкармаси”

Янгиқўрғон тумани Бўстон МФЙ жойлашган Гулистон кўчасини таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон туман-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Янгиқўргон тумани Бўстон МФЙ жойлашган Гулитон кўчасини таъмирлаш учун энг яхши таклифни танлаб олиш ишлаб чиқарувчилар томонидан энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – 289 699 992 сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Янгиқўргон туман Ободонлаштириш бошкармаси” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Янгиқўргон тумани, Амир Темур кўчаси 4 уй

Эл.адрес: _____

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, маҳсулотни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов обьектига ўхшаш обьектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўгрисидаги маълумотлар;

- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.